ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ТУРК ТИЛИДА

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу китоб ҳозиргача ўзбек, рус, француз, инглиз, немис, араб тилларида босилди. Энди эса мазкур асар турк тилида кўп нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон Президентининг Туркияга расмий ташрифи арафасида мазкур китобнинг нашр қилиниши алоҳида аҳамият касб этади. Бу воқеа Туркия жамоатчилигининг Ўзбекистонга, мамлакатимизда рўй бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга нисбатан бўлган қизиқишининг ифодасидир.

Китобга Туркия Жумҳуриятининг Президенти Сулаймон Демирэл сўзбоши ёзган. Унда жумладан шундай дейилади: «XX аснинг жаҳон миқёсидаги энг муҳим якунларидан бири, шубҳасиз, ягона тарих, тил ва дин бирлаштириб турган қардош туркий халқларнинг истиқлолга эришганидир. Тарихнинг ортга қайтмас ана шу нуқтасида Ўзбекистон бошқа қардош жумҳуриятлар қаторида буюк жасорат ва қатъият билан XXI аср томон илгариламоқда.

Ўзбекистон Президенти муҳтарам қардошим Ислом Каримов ўз китобида шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, XXI асрда Ўзбекистон олдида турган мақсадларни дунёвий ва минтақавий муаммолар билан боғлиқ тарзда таҳлил этади. Ўйлайманки, бу китоб Ўзбекистоннинг бугунги кунда қўлга киритаётган ютуқларини изчил давом эттириш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро хавфсизлик масалалари ҳозир дунёда ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди. Бу муаммолар айрим минтақалар доираси билан чегараланиб қолмайди. Муҳтарам Ислом Каримовнинг китоби Ўзбекистон бундан буён ҳам жаҳондаги фаол тинчлик ҳимоячиларидан бири бўлиб қолишидан далолат беради».

14 ноябрь куни Анқарадаги расм ва ҳайкал музейи биносида давлатимиз раҳбарининг китобини таништирш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Туркиянинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, хорижий дипломатлар, олимлар, ишбилармонлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Туркия давлат вазири Рефаҳиддин Шаҳин, Туркия—Ўзбекистон дўстлик жамиятининг раисдоши Ризо Салимбошўғли, асарни чоп этган «Билиг» нашриёти директори Ҳиммат Кайҳон, профессор Аҳмад Эржиласун, Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов, Президент Матбуот хизматининг бош консультанти Хайриддин Султонов, Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчиси Абдуғофур Абдураҳмонов, Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин китоб ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Нотиқлар давримизнинг мураккаб муаммоларини идрок этишда мазкур китобнинг аҳамияти хусусида тўхталиб, унинг туркча нашри икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшажагини таъкидладилар.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
«Жаҳон» Ахборот агентлигининг Анқарадаги мухбири.

ЯНГИ ДУНЁНИНГ ЯНГИ ОДАМЛАРИ

Ҳуррият ҳақиқатлари

Ўзбекистон ислоҳотларини бутун дунё тобора қизғин қўллаб-қувватламоқда. Яқинда «Озодлик» ва «Би-Би-Си» радиостанциялари Ўзбек хизмати ҳамда жаҳонда нуфузли нашрлардан бири сифатида танилган «Известия» газетаси мухбирларининг Ўзбекистон Президенти билан бўлиб ўтган самимий учрашувлари диёримизда кечаётган эзгу ўзгаришлар самарасига катта ишонч натижасидир. Бу ишонч қайдан пайдо бўлди? Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар муваффақиятига Президент кафолат эканлигига имон комиллигидан эмасми? «Известия» мухбирлари: «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов МДҲ давлатлари орасида мулоҳазали, лекин мустақил, зийрак ҳамда ўз йўлини қаттиқ ҳимоя қиладиган инсон сифатида ном чиқарган. Унинг ўзига ишончи катта», — дея ёзадилар. Бу сўзлар бутун халқимизга қаратилган эмасми? Бу сўзлар мазмунида Ўзбекистонни, мустақиллигимизни, халқимизнинг бунёдкор қудрати ва тараққиётимизнинг йўли тўғри эканини эътироф этиш ётмайдими?

Демократик матбуот фикр қидиради. Зеро, демократия тарихи фикр тарихидан иборат. Президент демократик матбуотга ҳамиша катта эътибор қаратади. Чунки доим халққа, жамоатчиликка айтадиган гапи бор. Барчадан фикр сўрайди. Таққослаш, солиштириш ва ўрганиш учун фикрга катта эҳтиёж сезади. Фикрларни таҳлил этади. Чоғиштиради ва муайян хулосага келади. Президентнинг гапларидан фикрсизлик, ижтимоий турғунлик ва узоқни кўра билмаслик демократиянинг ашаддий душмандаси, деган мулоҳаза, фикрнинг маҳсули ҳам, кафолати ҳам демократия деган мазмун келиб чиқади.

Демократия бизнинг ягона мақсадимиз эмас, балки мақсад сари интилишларимизнинг воситасидир. Жамиятда, одамлар орасида интилиш бўлиши учун дунёқарашни, фикрлаш услубини ўзгартириш лозим. Одамлар, кенг омма, меҳнаткашларимиз, бутун халқимиз бугунги ўзгаришларни ҳис этмоқда. Айни пайтда ўзгаришлар чуқурроқ бўлишини истаяпти. Бугунги муаммолар уларни қониқтирмаяпти. Демак, уларнинг интилиши бор. Одамларда қониқмаслик, интилиш кайфияти пайдо бўлмас экан, муаммолар ечими топилиши қийин, ислоҳотлар олдинга кетиши маҳол. Ҳажман энг катта, энг қўламли ўзгаришлар Ўзбекистонда кечаётгандек туюлади. Бироқ бутун дунёнинг яхлит қиёфаси ҳам тобора янгиланиб бормоқда. Янги дунёда эски одам бўлиб яшаб бўлмайди. Янги дунёга янги одамлар керак. Халқимизнинг ҳеч бир вакили «янги инсон» деган меъёр чегарасидан четда қолмаслиги лозим. Шундай бўлишига униб, ўсиб келаётган ёшларимиз кафил.

Мухбирлар билан бўлиб ўтган учрашувдаги икки асосий жиҳатни, давлат раҳбарини қайнаётган фикрни жамоатчилик яхши тушуниб олиши, нега шундай экани хусусида ўйлаб кўриши зарур, назаримда. Юқоридан қуйига йўналтирилаётган ислоҳотлар жойларда яшаётган одамлар ҳаётига қўнгилдагидек даражада таъсир этяптими? Ислоҳотлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётига таъсир этишига эришляптими? Жойлардаги раҳбарлар ислоҳотлар ривожига ижобий таъсир кўрсатяптиларми ёки унга тўғаноқ бўлмоқдаларми? Худога шукрки, бундай муаммоларни ечишга қодир мустақил давлатимиз бор. Биз ана шу давлат учун, унинг ёруғ келажаги учун меҳнат қилишимиз зарур. Зеро, дунё эски, уни эса одамлар ўз меҳнатлари билан янгилайди.

Президент журналистларга ўз талаблари ҳақида гапирди. Ҳар бир раҳбардан ўзи масъул корхонанинг кўп йиллик тараққиёт йўлини, асосли режасини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Қоронғу жойда пайпаслаб, тахминан қадам ташлаш тараққиёт эмас. Раҳбарлар — йўл бошловчилар, улар йўлларни ёритишлари керак. Бироз эриш туюлса-да, ҳар бир раҳбарда юртбошимизнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий сифатлари мужассам бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайман. Президент, бир-биримизга қаттиқ гапларни ҳам гапирамиз. Мен кўпинча қараб тураман кўзларига, тушундими, тушунмадими? — деди. Раҳбар ўзидан нима талаб этилаётганини тушунмасдан ўзини тушунганга солса, бу — жиноят. Ҳар бир раҳбарнинг кўзига тегишли жойдаги фуқаро қарайди. Агар излаган нарсасини шу кўзлардан топмаса, халқимизнинг одати шундай, сўкинмайди, эътироз ҳам билдирмаслиги, фақат, ислоҳотлар ҳақиқатига ишонмай қўйиши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Мухбирлар билан суҳбатда Президент бир нечта муҳим принципларни илгари сурди. Шулардан бирига эътиборингизни қаратмоқчиман. У «Известия» мухбирлари саволларига жавоб берар экан, жамиятдаги ижтимоий иллатларга қарши фақат жазолашнинг ўзи билангина адолат ўрнатиб бўлмайди, деди. Ҳар қандай адолатсиз жазо акс таъсир қилади. Ҳукм нақадар адолатсиз бўлса, у ўзига қарши кўп ҳаракатларни келтириб чиқаради, деган мазмунда гапирди. Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларнинг бош мезони ҳам адолат, адолатли қонунлардир.

Йўлбошчимиз журналистларга юртимизда ўрнатилаётган демократия ҳақида гапирди. Бизга четдан бўлаётган айрим салбий муносабатларда Ўзбекистонга ижрочилар керак, деган фикрни пайқаб қоламиз. Юртбошимиз биз ислоҳотларни тўла амалга оширишда ўз ҳуқуқларини, инсон ҳуқуқларини англаб етган, шу асосда англаб ҳаракат қиладиган меҳнаткаш кишиларга таянамиз, деган фикрни илгари сурдилар: «Демократиянинг умумий қонунлари мавжуд бўлса ҳам, ҳар бир мамлакатда демократиянинг ўз қиёфаси бор. Шу билан бирга, давлат ва жамият ҳаётидаги айрим демократик қадриятларни ўзгартириш ўзига хос ҳолда, юзлаб йиллар давомида таркиб топган тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади». Жаҳон кўриб турибдики, бизнинг инсон ҳуқуқлари ва виждон эркинликлари бўйича қабул қилган қонунларимиз шахс ва давлат муносабатларини бир меъёрга солади. Президентнинг мухбирлар саволларига берган жавобларида давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг етакчи тамойиллари ўз аксини топган.

Биз «янги дунё» дедик. Уни маърифатли жамият ҳам дейиш мумкин. Маърифатли жамиятни маърифатли инсонлар бунёд этади. Биз, раҳбарми, оддий ишчими ким бўлишимиздан қатъи назар, ўзимизга шундай савол бериб кўрайлик-чи, янгиланаётган дунё мезонларига жавоб бера оламизми? Назаримда, Ислом Каримовнинг журналистлар саволларига берган жавобида ҳар биримизга қаратилган ана шундай савол бор. Бу саволга жавобни эса биз ўзимиздан, юрагимиздан қидиришимиз лозим.

Азим СУЮН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 15 ноябрь, шанба № 134 (22.217).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

САМАРҚАНД ЖОЗИБАСИ МЕНИ МАФТУН ЭТДИ



СУРАТЛАРДА: Хиллари Родэм Клинтоннинг Бухоро ва Самарқандда бўлиши.
Р ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Президентининг рафиқаси, Американинг таниқли жамоат арбоби Хиллари Клинтон Бухоро зиёратидан сўнг Ўзбекистон Президентининг рафиқаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг президенти Татьяна Каримова ҳамроҳлигида 14 ноябрь куни Самарқанд шаҳрига келди.

Хиллари Клинтоннинг қадимий шаҳар билан танишуви муқаддас қадамжо — Шоҳи Зинда мақбараси зиёрати билан бошланди. Сўнгра мартабали меҳмон Регистон меъморий ёдгорликлар мажмуини томоша қилди. Халқимиз томонидан эъзозланиб, асл ҳолида сақлаб келинаётган нилий гумбазлар, нақшинкор асори атиқалар АҚШнинг биринчи хонимида катта таассурот уйғотди. Бу ерда «Суғдиёна зарблари» ёш доирачилар дастасининг концерти ҳамда Шердор ва Тиллакори мадрасаларидаги миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъатининг нодир буюмлари меҳмоннинг ҳайратини ошириди.

«Афросиёб» меҳмонхонасида ижодкор зиёлилар, олимлар, турли миллат ва дин вакиллари, ёшлар — шаҳар жамоатчилиги билан учрашув бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқиб, Ўзбекистон—Америка муносабатлари, ўзаро ҳамкорлик самаралари ва истиқболлари ҳақида гапирди.

— Бундан олти-етти йил аввал, — деб таъкидлади Ислом Каримов, — Ўзбекистонга АҚШдек улкан мамлакатдан мартабали меҳмонлар ташриф буюришини тасаввур ҳам қилолмасдик. Истиқлол туфайли мана шундай дўстона алоқаларни йўлга қўйишга муваффақ бўлдик.

Биз бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қурмоқдамиз. Бу йўлдан қайтмаймиз. Танлаган тараққиёт йўлимизга Америка йўлини намуна қилиб олганмиз. Албатта, бундай юксак мақсадларни амалга ошириш тез ва осон бўлмайди. Бунинг учун муайян вақт талаб этилади. Бинобарин, АҚШ ҳам бундай тараққиётга бирданига ва осонликча эришгани йўқ.

Президент И. Каримов Хиллари Клинтон хонимнинг болаларга гамхўрлик, соғлиқни сақлаш, аёлларнинг жамиятда тутган мавқеини янада ошириш борасидаги фаолиятига юксак баҳо берди.

Хиллари хоним ўз нутқида икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳақида гапирди. Шунингдек, қадимий Самарқанднинг бетакрор обидаларидан ҳайратга тушганини эътироф этди.

— Ўзбекистонда эркин демократик жамият қурилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди жумладан Х. Клинтон. — Истиқлол йилларида бу ерда улкан ишлар амалга оширилганини кўрдик. Ўзбекистонда бундай демократик жараёнларни муваффақиятли амалга оширишга Америка раҳбарияти ва халқи ҳайрихоҳ ҳамда ёрдам беришга доимо тайёр.

Биз Ўзбекистонга турли миллат ва дин вакиллари қандай аҳил ва иноқ яшаётганлигини ўрганиш учун ҳам келдик, — деб таъкидлади Х. Клинтон. — Ва амин бўлдикки, бу борада биз, америкаликлар сизлардан ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп экан.

Куннинг иккинчи ярмида кўҳна Самарқанд билан танишув давом этди. Мартабали меҳмон соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан қайта таъмирланиб, ўзгача чирой касб этган Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилди. Бу ерда Ҳиллари хоним ўз таассуротларини баён қилди.

— Самарқанд беҳад гўзал шаҳар экан. У ўз жозибаси билан мени ғоят мафтун этди.

Хиллари хоним яқинда очилган «Мерос» марказида бўлганида қўли гул усталар, косиблар, тикувчилар меҳнатини завқ билан томоша қилди. Улар билан самимий суҳбат қурди.

Буюк мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳамда хотира музейи ҳам меҳмонда катта қизиқиш уйғотди.

Х. Клинтоннинг Самарқанд сафарида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ўзбекистоннинг АҚШдаги фавқулодда ва мухтор элчиси С. Сафоев, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ҳамроҳлик қилди.

Хиллари Клинтон хонимнинг Ўзбекистонга ташрифи 15 ноябрь куни ниҳоясига етади.

(ЎзА).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Тошкентда Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси, ФА ҳамда Академиянинг электроника институти Россия ФАнинг илмий кенгаши иштирокида ташкил этган халқаро конференция эмиссион электроника соҳасида янги усул ва технологияларга бағишланди. Унда 11 мамлакат — Австрия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Франция ва МДҲ республикаларидан келган олимлар ва мутахассислар қатнашди.

* * *

Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлган наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссиясининг йиғилишида ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш ва даволаш масалалари кўриб чиқилди. Гиёҳвандлик иллатига қарши курашиш учун Ўзбекистонда кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, республика қонун ҳужжатларига наркотик моддаларга доир ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар муҳокама қилинди.

* * *

Эртага мамлакатимизда Украина маданияти кунлари бошланади. Ушбу дўстлик байрами 22 ноябргача давом этади.

* * *

Андижоннинг «Лола» қўғирчоқ театри жамоаси Туркияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашиб, биринчи мукофотни қўлга киритишди.

* * *

22 — 23 ноябрь кунлари Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида эркин кураш бўйича Мустақиллик кубоги учун биринчи халқаро турнир ўтказилади. Унда юртдошларимиз қатори АҚШ, Польша, Эрон, Туркия, Россия, Грузия, Арманистон, Озарбойжон ва Марказий Осиёнинг бир қатор давлатларидан полвонлар қатнашади.

***

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасида маърифатпарвар адиб Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-бадиий анжуман бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос олимлар, ёзувчилар, китобхонлар иштирок этди.

Оқ уйдан хабар беришларича, 18 ноябрь куни АҚШ Президенти Билл Клинтон Вашингтонда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашади. Нурсултон Назарбоев Америка пойтахтига иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро Қозоғистон—Америка комиссиясининг тўртинчи мажлисида қатнашиш учун келади. Бу ҳақда Америка Президентининг матбуот хизмати хабар берди. Музокаралар давомида Клинтон билан Назарбоев Қозоғистон—Америка икки томонлама муносабатларининг аҳволи, Каспий денгизи атрофида энергетика қудратини ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр алмашадилар. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва АҚШ вице-президенти Альберт Гор ҳамраислигидаги икки томонлама комиссия мажлиси Вашингтонда 17—18 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Унда икки мамлакатнинг савдо ва сармоялар ажратиш, ядро-қуроллларини тарқатмаслик, атроф муҳитга зарар етказмаслик, фан, технология, энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилади.

* * *

«Интернет» ахборот тизимининг хабарларига кўра, Афғонистон халқининг Ислом кенгаши президенти Мутасимбиллоҳ Мусхаби Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатиш учун биринчи навбатда бутун халқни бирлик ва ҳамжиҳатлик байроғи остида бирлаштириш зарурлигини айтди. Унинг фикрича, биродаркушлик урушлари Афғонистонда ҳокимият учун кураш натижасидир. Афғонистон халқининг Ислом кенгаши партия ҳам эмас, қандайдир ҳаракат ҳам эмас. У миллий ижтимоий-сиёсий ташкилотдир. Мусхабининг айтишига кўра, бу ташкилот қарама-қарши бўлиб турган ҳеч бир томонни қўллаб-қувватламайди. Шу йилнинг февраль ойида ташкил этилган Ислом кенгаши узоқ вақт давомида яширин ҳаракат қилди. Шу давр мобайнида миллий бирлик тарафдорларини ўз сафига тўплади. Шу мақсадда Ислом кенгаши Афғонистонда тарқатиладиган иккита газета ташкил этди. Пешоварда нашр этиладиган ушбу газеталар уч тилда чиқмоқда. Ватанда тинчлик ўрнатиш учун, деди Мусхаби, биринчи навбатда толиблар ва шимолий иттифоқ раҳбарлари урушни тўхтатишлари ҳамда БМТнинг Афғонистон бўйича қабул қилган барча қарорларини бажаришлари зарур. Унинг фикрича, айниқса ҳозир, қиш олдидан, яъни миллиондан зиёд афғонистонликлар очлик гирдобида қолган пайтда душман томонлар ақл - ҳушларини йиғиб олиб, тинчлик музокараларига дадил киришишлари талаб этилади.

* * *

Фаластин раҳбари Ясир Арофатнинг оғир касаллиги муносабати билан унинг лавозими учун жиддий кураш бошланиши мумкин. Арофат ҳали ўзига ўринбосар тайёрлашга шошилмаяпти. Арабистонда чиқадиган «Ал Хайъат» газетасининг фикрича, Ғарбий Қирғоқ хавфсизлиги хизмати раҳбари Ражуб Ясир Арофатнинг соғлиги ёмонлашса ёки вафот этса, Фаластин Автономиясига раҳбарлик қилишни мўлжалламоқда. Газетанинг хабарига кўра, юқори лавозимга тўрт даъвогар бор.

Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитасида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҳамда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Қашқадарё вилоятида қандай бажарилаётгани муҳокама этилди.

***

Тошкентда фаолият кўрсатаётган «Сўғдиёна» ансамбли ҳали ёш бўлишига қарамай «кўпни кўрган»лардан. Хусусан ансамбль вакиллари Германия, Испания, Франция сингари бир қатор мамлакатларда ижодий сафарда бўлишган. Энди эса Миср Араб Республикасида ўн кунлик ижодий сафарда юришибди.

* * *

Санкт-Петербургда бўлиб ўтган «Вино кузги ярмаркаси-97» халқаро махсус кўргазмасида «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясига қарашли корхоналарнинг вино ва ликерарақ маҳсулотларига юқори баҳо берилди. Чунончи, Самарқанд вино комбинатининг «Ўзбекистон» виносига олтин, Китоб вино заводининг «Каберне», Самарқандининг «Гул ҳокандоз» винолари ва Янгийўлнинг «Ўзбекистон» коньяги кумуш, Тошкент, Бухоро ва Янгийўлнинг қатор винолари бронза медалига сазовор бўлди.

* * *

Грузияда ўтган пианиночиларнинг биринчи халқаро Тбилиси танловида юртдошимиз Улуғбек Полвонов гран-при ва иккита махсус совринни қўлга киритди.

* * *

Ўрта Чирчиқ туманидаги Марказий тажриба хўжалигида Ўзбекистон шоличилик илмий текшириш институти ходимлари шолининг «Истиқбол» навини синовдан ўтказишди. Натижа чакки эмас — гектаридан 97 центнердан ҳосил олинди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обунани янги манзилга юбориш: Баҳоси сўм; Баҳоси сўм; обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Таълим ва ислоҳот

ДУНЁГА ЧИҚИШ ЙЎЛИ

Мустақиллик ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳаларига кучли таъсир кўрсатди. Дунёқарашимизни, ҳаётимизни, турмуш тарзимизни тубдан ўзгартириб юборди.

Айниқса, мустақилликнинг халқ таълими, олий таълим соҳасидаги ютуқларини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Ўқув дастурларидаги, дарсликларимиздаги, услубий қўлланмалардаги, мажбурий ҳамда қўшимча адабиётлардаги «зўраки тушов»лардан қутилдик. Ҳозирги авлод дунё миқёсида мустақил фикрлашга ўрганди. Талабаларимизда эркин фикрлаш, ўз фикрини дадил баён қилиш, собитқадамлик пайдо бўлди.

Республика ҳукуматининг бутун сиёсати ёруғ келажак — ёшлар учун қаратилган. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи ҳам бекорга «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб аталмади.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда 2000 дан зиёд талаба ва мутахассислар чет элларда ўқиб келди. 200 дан ортиқ хорижий мутахассислар республика ўқув юртларида ишлаш учун жалб этилди. 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари, 46 та лицей очилди. Бу лицейларда 9500 нафар бола таҳсил олмоқда.

«Умид» жамғармаси томонидан 200 та иқтидорли бола хорижга ўқиш учун юборилди.

Давлат ва жамият қурилиши, Банк ва Молия академиялари, «Улуғбек» жамғармаси, фермерлик, солиқ ва божхона, аудит йўналишидаги ўқув даргоҳлари ташкил қилинди.

Жойлардаги институтлар университетларга айлантирилди. Мазкур ташкилий ишлар билан биргаликда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда замонавий техника воситалари билан таъминлаш ишига ҳам жиддий ёндашилмоқда. Биргина Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташаббуси билан хориждан 3600 дона компьютер келтирилиб, керакли жойларга тарқатилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилишнинг тест усули такомиллаштирилди. Мустабидлик замонида биз учун тамоман ёт бўлган автомобилсозлик, маркетинг, дипломатия, компьютер, радиотехника йўналишидаги янги мутахассисликлар ривожланмоқда. Айрим мутахассисларимизда, профессор-ўқитувчиларимизда лоқайдлик, сусткашлик мавжуд. Янги дастурлар, дарслик ва қўлланмалар яратиш учун уларда миллий жўръат етишмайди. Уларнинг дарслик ва қўлланмалар ёзиб беришини кутиб ўтирмасдан чет эл амалиётида синовдан ўтган дарсликлардан фойдаланиш, улардан маъқулларини таржима қилиш, ўта зарурларини олий ўқув юртлари учун сотиб олиш, нусха кўчириб олиш пайти етиб келмадимикин?

Хорижий китобларни, айниқса, чет тилларини ўрганиш учун сув ва ҳаводек зарур бўлган қўлланмаларни, луғатларни аудио-видео ўқув кассеталарини харид қилиб олиш олий таълим моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши учун ўзига хос замин бўлиши мумкин. Тиббиёт, иқтисодиёт, аниқ фанлар ва техникага оид дунё тан олган олимларнинг асарларини ўрганиш ва уларни харид қилиш бизнинг ҳамюртларимиз учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Ўзбекистон учун, дунёга чиқишга интилаётган ёш давлат учун буларнинг ҳаммаси керак. Нега деганда, Ўзбекистон аграр республикадан кучли индустриал мамлакатга айланмоқда. Бизга эндиликда замонавий фан-техника сирларини, космос ва компьютерлар техникасидан мукаммал хабардор бўлган етук мутахассислар зарур. Биргина мисол. Асакадаги «ЎзДАЕWOO» қўшма корхонаси цехларида 4,5 мингга яқин ўзбек ёшларининг ишчилар синфи шаклланяпти. Заводдаги ҳамма нарса автоматлаштирилган. Келажакда бундай завод ва корхоналардан республикамизда кўплаб қурилади. Уларда ишлайдиган ишчи, муҳандис-техник ходимларни, дипломатларни, халқаро бизнесменларни, фермерларни, иқтисодчиларни тайёрлашдек шарафли вазифанинг улкан қисми олий ва ўрта махсус таълим тизимига тушадики, биз бунга ҳамиша шай туришимиз керак.

Президентимиз таъкидлаганидек, таълим тизимида улкан ўзгаришлар арафасида турибмиз. Узлуксиз таълим тизимини ишлаб чиқиш ва уни зудлик билан ҳаётга тадбиқ этиш, ёшларимизни юксак маданиятли қилиб тарбиялаш биз — мураббийларнинг Ватан олдидаги, халқ олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Мухтор УМАРХЎЖАЕВ,
Андижон Давлат чет тиллар институти ректори.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ШИКОЯТ ЎРНИДА ҚАБУЛ ҚИЛМАНГ

Ҳар куни ишга келиб кетиш учун шаҳар ичида юрадиган автобуслардан фойдаланаман. Чипта сотишга шошилаётган кондуктор ва ҳайдовчиларнинг ҳаракатлари киши эътиборини тортмай қолмайди. Улар йўловчиларга нисбатан жуда қўпол муомалада бўлади. Айниқса, Қарши шаҳар 16-автобус паркига қарашли 1-, 6-, 7-, 9-, 90-маршрутлар бўйича қатнайдиган автобусларда бундай ҳолларни тез-тез учратиш мумкин. Наҳотки бу йўналишдаги ҳайдовчилар жамоатчилик ўртасида ишлаганда мижозлар билан қандай муомала қилишни билмаса... Ёки улар бу ҳаракатлари билан ўзлари ишлаб турган корхона шаънига доғ тушириб қўйишни ҳам билишмайдими?

Бундай ачинарли ҳоллардан автобус парки раҳбарларининг хабари бормикан? Буларнинг ҳаммаси корхонада тарбиявий ишларнинг ўтказилмаётганлигидан дарак беради. Мен бу хатим билан корхонада иш фаолиятини давом эттираётган ходимларни қораламоқчи эмасман. Аксинча, айрим шахсларнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндошмаётганлиги, эътиборсизлиги мени қоғоз қоралашга ундади.

Зебинисо ҲАСАНОВА,
Қарши шаҳар почта алоқа бўлинмаси муҳандиси.

ШИФОХОНА ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Жарқўрғон туман шифохонасида қишга тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақида бош шифокор Қодиров шундай дейди:

—Туманда 58 ФАП бор. 52 таси кўмир билан иситилади. 9 та қишлоқ даволаш муассасасидан ҳам 6 таси газлашгани йўқ. Иморатлар томининг 60 квадрат метрига шифер қоқиш керак. 64 квадрат метр дераза ойнаси етмай турипти.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг оталиқ ёрдами ёмон бўлмаяпти. Айниқса, болалар даволанаётган иморатнинг шинам бўлишига диққат қилаяпмиз. Лекин камчилигимизни тезроқ тузатиб олмасак... Ахир, қишда илиқ ҳароратдан ҳам зиёда муолажа борми.

О. УСАНОВ.

Партия ҳаёти

КУЧИМИЗ — ҲАМКОРЛИКДА!

Ҳудудий партия ташкилотлари жойларда иш олиб боргани учун ҳам унинг тармоқларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда Тошкент шаҳар партия ташкилоти «Маҳалла» хайрия жамғармасининг шаҳар бўлими билан узвий алоқа боғлаган, ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган.

Маҳалла ва турар жойларда илмий-амалий анжуманлар, «Давра суҳбатлари», туман партия кенгашлари лектор-ташвиқотчи гуруҳларининг чиқишлари яхши самара беряпти. Шаҳардаги барча туманларда, бошланғич партия ташкилотига эга ҳар бир маҳаллада туман кенгашлари маҳалла фаоллари билан биргаликда жойларда юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби ўрганилди.

«Қадрият» уюшмасида катта гуруҳ иш олиб борянти: шоирлар, олимлар, ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгашининг аъзолари «Фарзанд тарбиясида ота-онанинг роли», «Мустақиллик — ўзини англаш демак», «Ўтмиш мероси ва бугунги кун», «Ёшлар — бизнинг умидимиз», «Врач маслаҳатлари» каби турли мавзуларда суҳбат, лекциялари билан қатнашмоқдалар.

Тадбирларимиз ҳам мазмунан бойиб бормоқда. Кўпгина маҳаллаларда меҳнат фахрийлари билан турмушимизнинг турли қирраларини қамраб олувчи савол-жавоб кечалари уюштирилди. Сирғали, С. Раҳимов, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Бектемир, М. Улуғбек, Яккасарой, А. Икромов туманларидаги учрашувлар бунга мисол бўла олади.

Яқинда «Маҳалла куни» анъанавий шаҳар тадбири ўтказилди. Мазкур тадбир доирасида эса «Намунали маҳалла», «Намунали маҳалла оқсоқоли», «Энг яхши аёл — маҳалла тадбиркори» каби шаҳар ва туман танловлари ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Бу тадбирлар миллатлараро тотувлик ва барқарорликни таъминлашга, ҳар бир фуқаро онгида иқтисоди кучли, мустақил Ўзбекистоннинг келажагига шахсий дахлдорлик туйғусини шакллантиришга ёрдам бераётгани қувонарлидир.

М. ЮНУСХЎЖАЕВА,
«Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раисининг ўринбосари,
С. АБДУРАИМОВА,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг мудири.



Кимки мамлакатимизга келадиган бўлса, унинг бозорини кўрмай кетмайди. Қадимий ва навқирон Наманганда ҳам бозорлар кўп. Бироқ кейинги пайтда ана шу бозорлар одамлар оқимини ўзига сиғдиролмай қолди. Шу боис шаҳарнинг янги «Лола» мавзесида «Жаҳон бозори» қурилишига киришилди. Айни пайтда ушбу бозорнинг биринчи навбати қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Бозорнинг умумий майдони 40 гектар бўлиб, 2 гектар майдонда эса усти ёпиқ бозор бунёд этилади. Шуниси диққатга сазоворки, 3 гектар майдонда қатор дўконлар жойлашади. «Жаҳон бозори» улкан иншоот бўлиб, замонавий меъморчилик услубида бунёд этиляпти. Бутун водийда ягона бўлмиш ушбу масканда автомобиль бозори ҳам ташкил этилади.

Ҳозир бу ерда қурилиш-монтаж ишлари авжида. Вилоятдаги бешта қурилиш трестининг 1,5 минг нафар бунёдкори икки сменада тер тўкмоқда. Айниқса, Жамолхон Тожибоев, Абдураим Тожибоев, Тоҳир Ғафуров, Шерхон Дадамирзаев бошлиқ бригадалар барчага ибрат кўрсатишмоқда. Шаҳар бош меъмори Абдужаббор Абдуғаффоров, меъмор Одилжон Қодиров ва бошқалар бозор қурилишини замонавий услубда давом эттиришга бош-қош.

СУРАТЛАРДА: «Жаҳон бозори» қурилишидан айрим лавҳалар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ТАЖРИБА ҲАМ КАТТА БОЙЛИК

Республикамиз матлуботчиларининг вакиллари яқинда Сирдарё вилоятига ташриф буюрдилар. Сирдарё вилоятида ҳозир савдо ва қурилиш борасида катта тажрибалар тўпланмоқда. Сирдарё шаҳри ва тумани, Гулистон тумани ва шаҳри ҳамда бошқа жойлардаги амалий ишлар билан танишган меҳмонлар бунга амин бўлдилар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОЗОН ҲАМ МОЙ, ЧЎМИЧ ҲАМ

«Бухоропарранда» ҳиссадорлик жамияти вилоятнинг ўз қаддини ростлаб олган жамоалардан бири. Корхонада шу йилнинг саккиз ойида 20 миллион 800 минг сўм фойда олишга эришилди.

Инсон манфаатлари йилида жамоада ишловчи ишчи-хизматчилар фарзандлари учун боғча пуллари, фахрийларга кўрсатиладиган барча коммунал хизмат харажатлари корхона ҳисобидан қопланаётир. Янги, ёш оилаларга эса 5 минг сўмдан моддий ёрдам берилмоқда. Илғорлар корхона ҳисобидан газета ва журналларга обуна қилиняпти. Хуллас, қозон ҳам мой, чўмич ҳам.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ХИЁБОН

Урганч шаҳрида мустақиллик шарофати туфайли кейинги йилларда кенг кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Кўп қаватли иморатлар, савдо расталари, қатор қўшма корхоналар қад кўтарди.

Яқинда шаҳар марказидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри ёнида бўш ётган майдонда замонавий, кўркам маънавият ва маърифат хиёбони барпо этилди. Бу янги хиёбонда юртдошимиз, буюк шоир Огаҳийга ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкалнинг атрофлари мармар плиталар билан безатилди. Хиёбон ҳаммага, шу жумладан ёшларга жуда маъқул тушди.

Амин ЭШМАТОВ.

Газетада босилмади, аммо...

ЧОРА КЎРИЛДИ

Редакция томонидан вазирликка юборилган шикоят хати асосида Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти клиникасининг бош врачи Х. Қ. Насриддиновнинг иш фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди. Текшириш натижасида шикоятномада келтирилган фактлар тасдиқланди.

Ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қарагани учун бош врач Х. Қ. Насриддинов вазирликнинг 7 ноябрь 1997 йилдаги 532 — рақамли буйруғи билан вазифасидан озод қилинди.

Республика соғлиқни сақлаш вазири
Ш. КАРИМОВ.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ШАҲАРЛИК

Кўп қаватли уйда яшаймиз. Қўшни аёллар билан «гап» ўйнадик. «Гап»имизнинг ўрталарида қўшни уйга янги оила кўчиб келди. У аёлни ҳам қўярда-қўймай қўшиб олдик ўзимизга... Лекин у пулини чиқариб, «қовушолмаяпман» деб ўзини тортиб юрди. Бир кун гапимиз онабошиси Лолахон унинг йўқлигини кўриб:

— Анув хотинникига кеп-кетадиган «Мерседес» машинали, ҳожи қалпоқли одамни кўряпсизларми? — деди ҳаммани ўзига қаратиб.

— Ҳа, Маликахонникигами? Эридир-да, — ён қўшниси қизиқди. — Нимайди?

— Эримиш... Солиҳбойимнинг узоқ танишими, уруғими эмиш... Маликаям индамасдан юриб... — Лола катта сирни очмоқчидак сирли шивирлади. — Тўғриси...

— Тўғриси, қўйинг, шунақа гапларни, — шартта оғзига урди Адолат. — Нима қизиғи бор бизга... Солиҳбойингиз ҳам хотинларга ўхшаб гап чуваштириб юраркан-да...

— Вой мунча қайишдингиз, Адол. Кейинчи...

Аёлларнинг тортишуви устига Маликанинг ўзи кириб келиб қолди. Давра жимиб Лоланинг ҳам уни ўчди. Ўйин-кулги бошланди. Негадир Маликахон барвақтроқ кетиш ҳаракатига тушди.

— Қўшни ўтирибмизда, уй юмуши ҳечам тугамайди, — дедик. —Қочиб ҳам қутулолмайсиз, рўзғор ташвишларидан.

— Йўқ, уйга меҳмон келадиган... Сизлар баҳузур. — Эшик олдига етган аёлга Лола гап қотди:

— Малика, сизникига келадиган «Мерседес»,ҳожи акачи, ким?

Аёл олдинига бироз ҳайратланди. Яна аёллар қўй-қўй қилишди. Малика чиқиб кетди. Қайта гапга қўшилмади. Лола яна гап топиб келди. Маликанинг эри келибди, ўйнаши — «Мерседес» билан тутиб олибди. Пичоқ урмоқчи бўлса, «Мени ўлдиринг, шу одамни яхши кўраман» деб кўкрагини тутибди. «Шифохонага бормабди, ўйнашини болалари ҳайдабди», «Болалари отаси билан кетиб қопти...» Миш-мишлар чувалашиб кетди.

— Вой тавба, ўйнаши экан-да, яна хожимиш-а? — Рихси гапни илиб кетди. — Лола, бир ўша «Мерседес»нинг хотинини топмаймизми? Ана томоша, мана томоша бўларди-да.. Жа, жувон ўлгур...

— Эҳ, хотинлар, қўйинглар шу гапларни, — уй эгаси гапни бурди. — Уйда репититорлик қилмоқчиман... Борми «ўқувчи»лар. — Сарви уйда ўтиради. Гапидан кулиб юбордик.

— Нимани ўргатасиз? Жиғига тегди кимдир.

— Ҳай овсин, ўқийсизми, ўзи?

— Сарвихон мана бу пишириқни ким пиширди? — дедим.

— Ўзим, Сизнинг гапингизга ўзим бундан зўрини тайёрлаб чиқаман.

— Ана, сизлар нимани ўргатади, дейсизлар-а...

Хотинлар қий-чув қилиб пишириқнинг рецептини ёза бошлашди...

Гапдан алламаҳалда тарқаётсак, ҳовлида Маликахоннинг қизи юрибди. Бизни кўриб шошиб подъездга кириб кетаётувди. Рихси — ҳушёр чопди кетидан.

— Ойинг қани? — негадир зўғумкор сўради у.

— Уйдалар, киринглар, — қиз индамай тураверди.

— Қизни ўз ҳолига қўйинг, уялмайсизми, Рихси? — Адолатнинг гапидан у сапчиб тушди.

— Нимадан уялишим керак? Онаси уялсин... Отаси шўрликнинг ҳам гулдек оиласи бор ахир... Бошига етди, яшамагур.

Қиз юлқиниб уйга кириб кетди. Рихси — ҳушёрнинг таъна-сига тушунмадик. Лоланинг айтишича, унинг поччасиям ким биландир юрган экан. Ҳатто бир ўғли, бир қизиям бормиш. Рихси опасининг эрини қидириб бориб, ўша аёл билан жанжаллашиб бўйнидаги қимматбаҳо тилла занжирини юлиб келганди. Гапга тақиб чиқиб: «Душманларим куйсин» деб қўяди аламзадалик билан. Рихси яқинда опаси билан яна тўполон қилиб, ё шаҳардан кўчиб кетасан, ё опамнинг болаларини боқишасан» деб пул талаб қилса, хотин Рихсини 15 кун ҳушёрхонага қаматганмиш. Шу-шу у Рихси — ҳушёр бўп қолди. Эри барибир бориб турармиш. Аламзадаликдан қизга зўғумини сочишиям, шундан шекилли...

Эртаси куни Маликахон мени йўқлатиб қизини чиқарибди. Чиқдим. Уйида «Мерседес»ли одам ўтирган экан. «Қаердадир уйини қайнисинглим бизнинг уйга жон деб алмашмоқчи девдингизми? Биз алмашиб кетмоқчимиз бу уйдан» деб қолди у.

— Нега, бир яхши жойлашиб, энди тиндим девдингиз-ку? — ҳайрон бўлдим.

«Гап-сўзлар... тўйдим...» У ҳўнграб йиғлаб ўзини креслога ташлади. Елкасини чангаллади, афти оғриқ азобидан буришиб кетди. «Ҳа, миш-мишлар рост экан» ўйланиб қолдим. Билдим, уни тан жароҳатидан кўра, бошқа дард қийнарди.

Улар билан узоқ ўтириб қолдим. Тўлиб юрган экан, шекилли, ўтмишини эслаб ўксиб-ўксиб йиғлади.

Маликахон Фарғонанинг чекка қишлоғидан шаҳарга ўқишга келди. Ўқишга жойлашди... Курсдоши Қудрат билан севишиб турмуш қуришди. Лекин уларнинг тўйига ота-оналари қарши бўлишди. Маликахонни ота-онаси оқ қилди. Юзларини ерга қаратиб шаҳарлик келин бўлгани учун. Тўй кечаси куёв келинга тилла занжир осди. Қайнона-келиннинг юлдузи тушмади. Қудрат бир ойлик чиллалик келинчакни шаҳарнинг бир четидаги ижара уйга кўчириб қўйди.

Бир куни Малика ота бўлганини Қудратга айтиб суюнчи олишга шошилиб кеч киришини сабрсизланиб кутди. Қудрат эса бир ҳафтадан кейин келди. «Ишим кўпайиб кетди». Оғироёқли аёлни дард тутганда эрига эмас, ижарачи кампир маҳалладаги дастурхончи хотиннинг ўғлига югурди. «Савоб бўлар» деб туғуруқхонага аранг етказиб борди. Камқон экан, худо бир асради. Чақалоққаям отини ўзи қўйди — Умид.

